

## I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (*фермер ва деҳқон хўжаликларисиз*) 20 795 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 19 846 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,4 фоизни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (23,8 фоиз), Қизилтепа (12,6 фоиз), Кармана (15,6 фоиз) ва Хатирчи (12,5 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2020 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>20795</b>	<b>100,0</b>	<b>19846</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	4958	23,8	4447	22,4
Зарафшон	1640	7,9	1597	8,0
<i>туманлар:</i>				
Конимех	791	3,8	781	3,9
Қизилтепа	2614	12,6	2574	13,0
Навбаҳор	2009	9,7	1976	10,0
Кармана	3252	15,6	3129	15,8
Нурота	1541	7,4	1508	7,6
Томди	404	1,9	396	2,0
Учкудук	983	4,7	964	4,8
Хатирчи	2603	12,6	2474	12,5

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, (% да)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (32,4 фоиз), саноат (16,5 фоиз), қурилиш (7,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,0 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2020 йил 1 октябрь ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>20795</b>	<b>100,0</b>	<b>19846</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2286	11,0	2209	11,1
саноат	3424	16,5	3245	16,4
қурилиш	1631	7,8	1552	7,8
савдо	6732	32,4	6477	32,6
ташиш ва сақлаш	644	3,1	610	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1385	6,7	1287	6,5

	<b>Рўйхатга олинган</b>		<b>Фаолият кўрсатаётган</b>	
	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан, % да</b>	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан, % да</b>
ахборот ва алоқа	205	1,0	186	0,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	291	1,4	287	1,4
бошқа турлари	4197	20,1	3993	20,2

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)**

11,0 %



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги**

16,5 %



**Саноат**

7,8 %



**Қурилиш**

32,4 %



**Савдо**

3,1 %



**Ташиш ва сақлаш**

6,5 %



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар**

1,0 %



**Ахборот ва алоқа**

1,4 %



**соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш**

20,1 %




**Бошқа турлар**

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,4 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва

ташкilotларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

### Корхоналар ва ташкilotларнинг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши




2020 йил 1 октябрь ҳолатига 17 763 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкilotлар фаолият кўрсатмаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 5 007 та, оилавий корхоналар – 3 606 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 8 917 та, акциядорлик жамиятлари – 21 та, унитар корхона – 61 тани ва 151 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, *бирликда*



2020 йил январь-сентябрь ойларида жами 3 564 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 68,2 % ни ташкил этади, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (603 та), Хатирчи (543 та), Қизилтепа (485 та), Кармана (467 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (112 та), Конимех (181 та), Нурота (235 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 38,8 фоиз, саноатда 21,2 фоиз, қурилишда 4,7 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 18,1 фоизни ташкил этди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 17 670 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,6 фоизга ошди.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3889 таси (жами субъектларнинг 22,0 фоизи) Навоий шаҳри, 2872 таси (16,3 фоизи) Кармана, 2346 таси (13,3 фоизи) Қизилтепа, 2182 таси (12,3 фоизи) Хатирчи 1789 таси (10,1 фоизи) ҳамда Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 323 таси (1,8 фоизи) Томди, 651 таси (3,7 фоизи) Конимех, 849 таси (4,8 фоизи) Учкудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)

	<i>Жами</i>	<i>Фаолият юримаётган</i>	<i>Фаолият юритмаётган</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь ойларида янгидан таъкил этилган</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь ойларида фаолияти тугатилган</i>	<i>1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари</i>
<b>Жами</b>	<b>18557</b>	<b>17670</b>	<b>887</b>	<b>3498</b>	<b>409</b>	<b>20,8</b>
Навоий	4359	3889	470	574	75	26,7
Зарафшон	1490	1451	39	282	48	17,1
Кармана	2992	2872	120	457	45	25,7
Конимех	661	651	10	178	25	23,7
Қизилтепа	2381	2346	35	483	34	19,3
Навбахор	1820	1789	31	342	19	20,4
Нурота	1351	1318	33	234	54	19,9
Томди	330	323	7	111	11	41,5
Учкудук	868	849	19	294	75	25,9
Хатирчи	2305	2182	123	543	23	14,7

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик  
субъектларининг худудлар бўйича сони**

	<i>2019 йил 1 октябрь ҳолатига</i>		<i>2020 йил 1 октябрь ҳолатига</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>13531</b>	<b>100,0</b>	<b>17670</b>	<b>100,0</b>
Навоий	3478	25,7	3889	22,0
Зарафшон	1101	8,1	1451	8,2
Конимех	375	2,8	651	3,7
Қизилтепа	1645	12,2	2346	13,3
Навбахор	1262	9,3	1789	10,1
Кармана	2312	17,1	2872	16,3
Нурота	997	7,4	1318	7,5
Томди	215	1,6	323	1,8
Учкудук	605	4,5	849	4,8
Хатирчи	1541	11,3	2182	12,3

Фаолият кўрсатаётган жами 17670 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 6464 таси (36,6 фоизи) – савдода, 3211 таси (18,2 фоизи) - саноатда, 2176 таси (12,3 фоизи) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1544 таси (8,7 фоизи) - қурилишда, 1286 таси (7,3 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 597 таси (3,4 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 224 таси (1,3 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 176 таси (1,0 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1992 таси (11,3 фоизи) - бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келди.



**Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони  
(иқтисодий фаолият турлари бўйича, 1 октябрь ҳолатига кўра) бирликда**




2020 йил 1 октябрь ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,6 фоизни (39 та), Навбаҳор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 1,7 фоизни (31 та), Нурота 2,4 фоизни (33 та), Учқудуқ 2,2 фоизни (19 та), Конимех 1,5 фоизни (10 та), ва Томди тумани 2,1 фоизни (7 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 409 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан саноат 63 та (15,4 фоизи), савдо 124 та (30,3 фоизи), қурилиш 42 та (10,3 фоизи) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 45 та (11,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.**

2020 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитал иштирокидаги корхоналар сони 233 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51 тага ёки 128,0 фоизга ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 145 таси қўшма корхоналар, 88 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони**

	Жами	шундан:	
		Қўшма корхона	Хорижий корхона
<b>Жами</b>	<b>233</b>	<b>145</b>	<b>88</b>
Навоий	71	52	19
Зарафшон	16	10	6
Конимех	8	5	3
Қизилтепа	17	11	6
Навбаҳор	9	7	2
Кармана	59	35	24
Нурога	25	14	11
Томди	8	7	1
Учкудук	10	2	8
Хатирчи	10	2	8

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 71 та (30,5 фоиз) ва Кармана 59 та (25,3 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди ва Конимех 8 тадан (3,4 фоиз), Учқудук 10 та (4,3 фоиз) ва Қизилтепа 17 та (7,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>233</b>	<b>100,0</b>
Навоий	71	30,5
Зарафшон	16	6,9
Конимех	8	3,4
Қизилтепа	17	7,3
Навбаҳор	9	3,9
Кармана	59	25,3
Нурота	25	10,7
Томди	8	3,4
Учқудук	10	4,3
Хатирчи	10	4,3

Фаолият кўрсатаётган 233 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 144 таси (61,8 фоиз) саноат, 26 таси (11,2 фоиз) савдо, 29 таси (12,4 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (1,3 фоиз) ташиш ва сақлаш, 10 таси (4,3 фоиз) қурилишда, 3 таси (1,3 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,4 фоиз) ахборот ва алоқа, 2 таси (0,9 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 15 таси (6,4 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>233</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	144	61,8
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29	12,4
қурилиш	10	4,3
савдо	26	11,2
ташиш ва сақлаш	3	1,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1,3
Ахборот ва алоқа	1	0,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	0,9
бошқа турлари	15	6,4

2020 йил январь-сентябрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 31 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 тага камайган.

Бунда, Канада резидентлари капитали иштирокида - 1 та, Австралия резидентлари капитали иштирокида – 1 та, Эстония Республикаси – 1 та, Гретсия Республикаси - 1 та, Венгрия Республикаси - 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 1 та, Россия Федерацияси - 8 та, Қозоғистон Республикаси- 1 та, Жанубий Корея Республикаси - 1 та, Тожикистон Республикаси - 1 та, Туркманистон Республикаси – 2 та, Туркия Республикаси - 3 та, Хитой Халқ Республикаси - 3 та, Англия – 1 та, Эрон Ислом Республикаси – 2 та, Беларуссия Республикаси – 1 та, Афғонистон – 2 тани ташкил этди.

31 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (4 та) ва Зарафшон (1 та) шаҳарларида, Кармана тумани (9 та),


Қизилтепа (4 та), Навбахор (2 та), Конимех (3 та), Учқудуқ (2 та), Хатирчи (1 та), Нурота (4 та) ва Томди (1 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>31</b>	<b>100,0</b>
Навоий	4	12,9
Зарафшон	1	3,2
Конимех	3	9,7
Қизилтепа	4	12,9
Навбахор	2	6,5
Кармана	9	29,0
Нурота	4	12,9
Томди	1	3,2
Учқудуқ	2	6,5
Хатирчи	1	3,2

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 19 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 4 та, савдода 4 та, қурилишда 3 та, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2020 йил 1 октябрь ҳолатига 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (4 та), Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2020 йил 1 октябрь ҳолатига 3747 тани ташкил этиб, улардан 3606 таси ёки 96,2 фоиз фаолият юритмоқда.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,0 фоизга ёки 1084 тага кўпайди.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**

